

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1076-ҳадис

1076 - وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّجُلَ يَعْتَادُ الْمَسَاجِدَ فَاشْهَدُوا لَهُ بِالْإِيمَانِ، قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: {إِنَّمَا يَعْمرُ مَسَاجِدَ اللَّهِ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ} الْآيَةِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [3093].

1076. Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Масжидга боришга одатланган кишини кўрсангизлар, унинг иймонли эканига гувоҳлик беринглар». Чунки Аллоҳ азза ва жалла: «Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганларгина обод қилурлар....», (Тавба сураси, 18-оят) деб айтган.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Жамоат намози – савоби улуғ ибодат.

Жамоат намозининг савобини билганингизда эди... Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Бомдод ва хуфтон намозларидаги (жамоатга) ҳозир бўлишни лозим топ. Агар шу икки (намоз)нинг (жамоат билан ўқишдаги) савобини билганларингизда эди, эмаклаб бўлса ҳам келардингиз”, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Жамоат намози – гуноҳларга каффорот бўлади. Абу Убайда (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: “Жума куни бомдод намозининг жамоатда ўқилганидан кўра афзал намоз йўқдир. Ким унда иштирок этса, гуноҳлари мағфират қилинади, деб ҳисоблайман” (Имом Ҳоким ривояти).

Жамоат намози – кечани бедор ўтказганнинг савобига ноил этади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Ким хуфтон намозини жамоат

билан ўқиса, гўё кечанинг ярмини бедор ўтказибди. Ким бомдод намозини жамоат ила адо қилса, гўё кечанинг барчасида намоз ўқибди”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Жамоат намози – мўминлик белгиси. Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: «Қачон масжидга боришга одатланган кишини кўрсангизлар, унинг иймонли эканига гувоҳлик беринглар. Чунки Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: “Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина кўрққан кишилар обод қилурлар” (Тавба сураси, 18-оят) (Имом Термизий ривояти).

Жамоат намози – Қиёматда нур бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қоронғуда масжидлар сари юрганларга Қиёмат кундаги тугал нур хушхабарини беринг!” дедилар (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ибодатида собитқадам қилсин. Беш вақт намозни Ўзининг уйларидадан бир уй бўлмиш – масжидда холис Ўзининг розилиги учун адо этишимизга тавфиқ ато этсин.

Манба: hadis.islom.uz

